*Тадбиркорларнинг сиртқи мактаби*

# РАҚОБАТ — БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ АСОСИ

Бозорнинг тўкин-сочин бўлиши, унинг гуркираб ривожланиши бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч бўлган эркин рақобатга боғлиқдир. Хоҳ у ишлаб чиқарувчи бўлсин, хоҳ у сотувчи ёки харидор бўлсин ҳаммаси рақобат асосида бир-бири билан муносабатда бўладилар. Чунки ҳар бир фирма ўз фойдасини кўпайтиришга ҳаракат қилган шароитда улар бир-бирига рақобатчи сифатида майдонга чиқади.

Рақобат — маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва харид қилиш учун қулай мавқени эгаллаш учун бозор хўжалиги иштирокчилари ўртасидаги кураш ва бозор шароитида иқтисодий тараққиётнинг омили ҳисобланади. Рақобат бозор механизмининг муҳим ва зарур белгиси ҳисобланади. Лекин унинг характери ва шакллари турли бозор вазиятларида ҳар хил бўлади. Бу эса, рақобатчилар ўртасида маҳсулот баҳоси, ишлаб чиқариш баҳоси ва бошқа хўжалик юритиш кўрсаткичлари хусусида ўзаро курашни юзага келтиради. Бу ерда бозор улар ўртасида беллашув майдони бўлиб хизмат қилади. Рақобат, бу жамият иқтисодиётининг негизини, маҳсулот ишлаб чиқаришни ташкил этади ва у ёки бу даражада ҳар қандай бозор учун хосдир. Шунинг учун фирмалар биринчи навбатда ўзининг рақиблари сони ва миқёсини, таклиф этилаётган маҳсулотлар турлари, сифати ва бозор шароитлари ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак. Чунки таваккалига маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш рақобати учун қулай шароит яратиб беришдир, холос. Рақобат асоси эса маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг мустақил бўлиши ва ўз манфаати учун курашиши, интилишидир.

Умуман олганда рақобатни уч турга: харидорлар ўртасидаги, сотувчилар ўртасидаги, сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги рақобатларга бўлиш мумкин.

Харидорлар ўртасидаги рақобат сотувчилар учун қулай шароит бўлиб, уларга ўз маҳсулотларини юқори нархларда пуллаш имконини беради. Харидорлар тақчил маҳсулотларни кўпроқ олиш мақсадида бир-бирларидан ўзиб кетишга ҳаракат қилишади. Бунинг сабаби бозорда талаб ва таклифнинг беқарорлиги, кам маҳсулот ишлаб чиқарилишидир. Натижада сотувчилар ҳукмронлиги юзага келади. Бундан фақат ишлаб чиқарувчи ва сотувчи, соҳа вакиллари манфаатдор бўлишади, холос.

Сотувчилар ўртасидаги рақобат (маҳсулот ишлаб чиқарувчилар) бозор иқтисодиётининг энг асосий хусусиятларидан биридир. Чунки айнан шу рақобатчилар бозорни тўлдиришга, истеъмолчиларни таъминлашга ва бир-бирига нисбатан кўпроқ фойда олишга интиладилар. Улар истеъмолчилар пули учун курашиб, ўз маҳсулотини турли хизматлари, сифати, қолаверса муомаласи билан ҳам ўзларига оғдиришга ҳаракат қилишади. Истеъмолчига эса бозорда битта имконият қолади холос. У ҳам бўлса маҳсулотларни танлаш ва сотиб олиш. Шу мақсадда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар бозорни ўрганишлари, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини аниқлаши, рақобатчи фирма ҳақида маълумотга эга бўлишлари керак. Бу соҳада ривожланган мамлакатларда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар катта ютуқларни қўлга киритишган. Улар истиқболли бозорлар ахтариш, истеъмолчилар талабларини гуруҳлаштириш, даромади даражаси, миллати, ҳаттоки эътиқодидан келиб чиққан ҳолда бозорни таҳлил қилишга ҳаракат қилишади. Шу мақсадда улар дунё бўйлаб кезиб, харидорларнинг нималарга талаби юқорилигини аниқлашга интилишади. МДҲ бугунги кунда ана шундай минтақалардан бири бўлиб қолди. Режалаштирилган иқтисод, бозорнинг йўқлиги натижасида рақобатнинг шаклланмаганлиги, ёш мустақил давлатларнинг бозор муносабатларига ўтиши маҳсулот тақчиллигини юзага келтиради. Бу борада Республикамизда қилинаётган ишлар сезиларли даражада ўз самарасини кўрсатмоқда. Дунёнинг йирик-йирик фирмалари, етакчи компаниялар маҳсулотлари бозорларимизда сотилмоқда. Бу, биринчидан, халқимизнинг истеъмол талабини қондирса, иккинчидан, мамлакатимизда маҳсулот ишлаб чиқарувчилар учун рақобатчиларни кўпайтиради. Қанчалик рақобат кучли бўлса, шунчалик бозорда маҳсулот кўп ва арзон бўлади.

Сотувчилар ва харидорлар ўртасидаги рақобат бозорда мувозанат нархлари шаклланиши пайтида содир бўлади. Бунда бозорда ҳаммамиз учун оддий ҳол бўлган савдолашиш жараёни юзага келиб, сотувчи нархни кўтаришга, харидор эса пасайтиришга ҳаракат қилади. Албатта бу бозордаги мавжуд талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда амалга ошади. Агарда талаб таклифдан ортиқ бўлса, сотувчи нархни ошириб боради, аксинча таклиф талабдан ортиқ бўлса харидорлар сотувчиларни бир-бири билан рақобат қилишга ва нархни пасайтиришга мажбур этадилар. Натижада бозорда мувозанат нарх рақобат асосида вужудга келади. Мувозанат — ҳар бир рақобат бозори учун қонундир. Ҳар бир алоҳида бозорда мувозанат нархларининг ўрнатилиши, бутун бир иқтисодий тизимдаги мувозанатни таъминлашга имкон беради.

Умуман олганда иқтисодиётда сотувчилар ёки маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги рақобат кўпроқ ўрганилади. Сотувчилар ўз маҳсулотларини бозорда хоҳлаган баҳода сотишлари, имкони борича рақобатчи фирмаларга йўл бермасликка, уларни бозордан сиқиб чиқаришга ҳаракат қилишади. Бунинг учун фирмалар рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва бозор талабини ўрганишга ҳаракат қилишади. Агарда бозорда бир хил, ўхшаш маҳсулотлар чиқиб улгурган бўлса, харидорлар ўртасида талаб энг кўп бўлган маҳсулотга сифатий ўзгартиришлар киритиб рақобатчидан ўзишга ҳаракат қилишади. Бу фирма учун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш эвазига рақобатчини бозордан сиқиб чиқаришга ёки унинг ҳиссасини камайтиришга муваффақ бўлади. Амалиётда рақобатбардош маҳсулотларни баҳолаш учун фирмалар бир қанча кўрсаткичларни аниқлашлари лозим. Масалан, маҳсулотнинг ўхшашлик даражаси, сифати, хиллари, миқдори ва бошқа иқтисодий, техник даражалари аниқланади. Улар ўз имкониятларини ҳали таҳлилдан ўтказишиб, бозорда ўзи учун устунликни таъминлаши мумкин бўлган тадбир ва чораларни ҳам кўриб чиқишлари лозим бўлади. Фирма бунинг учун ўзидаги мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини, молиявий аҳволни эътиборга олган ҳолда рақобатга киришиши мумкин. Ўз имконияти ва бозордаги рақобатни тўғри баҳоламасдан майдонга тушиш, «чиранма ғоз, ҳунаринг оз» қабилида иш тутишдан бошқа нарса эмас.

Шундай қилиб маҳсулот ишлаб чиқарувчилар рақобатга киришишларидан олдин рақобатчининг кимлигини, уларнинг даромади, савдо ҳажми, нархлар даражаси ва бошқаларни билиб олишлари лозим. Рақобатда ғолиб келиш, бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва кўтариш, юқори фойда олиш ҳар бир фирманинг мақсадидир. Бозор иқтисодиётининг асоси бўлган рақобат кураши жамиятнинг хўжалик ҳаётида муҳим роль ўйнайди. Бозорларимизда маҳсулотлар кўпайишининг асосий рағбатлантирувчи кучи бўлиб хизмат қилади.

*Ражаб МУСУРМОНОВ,*
*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иқтисодиёт институтининг аспиранти.*



# «ИЛ»ЛАР ТОШКЕНТДА ТУҒИЛАДИ

Москва остонасида ўтган халқаро аэрошоуда В.П.Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган «ИЛ-76 МФ» транспорт самолёти юқори баҳоланди. Самолётнинг узунлиги 55 метр, у шу турдаги самолётлардан 6,6 метрга узун, эндиликда «ИЛ-76» 50 тоннадан ортиқ юк кўтара олади. Тежамкор янги двигателлар ҳисобига самолётнинг парвоз қилиш сифати ошди: учиш узоқлиги 1,5 минг километрдан 5800 километргачадир.

1973 йилдан буён бирлашмада ўнлаб «ИЛ-76» самолётлари ишлаб чиқарилган. Улардан ҳозирда Ливия, Ҳиндистон, Сурия, Ироқ, Жазоир, Корея, Хитой, Куба, Миср ва бошқа давлатларда фойдаланилмоқда. Аммо янги «ИЛ-76» самолётлари ҳақиқатан ҳам ажойиб имкониятларга эга. Кўргазмада айниқса учувчи поликлиника, ёнилғи қуйиш самолёти ҳамда ўрмондаги ёнғинларни ўчиришга ихтисослаштирилган машиналар ўзларининг яхши жиҳатлари билан иштирок этди.

Яқинда ана шу самолётда Петропавловск-Камчатск шаҳрига 30 тонна узум олиб борилди, унда 9 соату 15 дақиқа училди, атиги бир марта ёнилғи қуйиш учун Иркутск аэропортига қўнилди. Салондаги совуткичларнинг яхши ишлагани туфайли Ўзбекистон тупроғининг неъматлари ҳеч бузилмай ўз жойига етиб борди. Энг муҳими бирлашмада жуда аҳил жамоа меҳнат қилмоқда. Улар ўз фаолияти давомида тобора янги ишларга, ўқиш-ўрганишларга қўл уришмоқда.

*СУРАТДА: В.П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ҳаво кемалари йиғиладиган улкан 7-цехида.*

*Рустам Шагаев олган сурат.*

*Яхши удумларимиз*

# ДЎСТЛАР ДИЙДОРИ

«Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорациясининг тиббий санитария қисми қошидаги поликлиникада Тошкент давлат тиббиёт институтини 1942 йилда битирганларнинг учрашуви бўлиб ўтди. Унга республикамизнинг турли жойларидан уруш ва меҳнат фахрийлари йиғилишди.

— 1942 йили 7 сентябрь куни бизга институтни тугатганлик ҳақидаги гувоҳнома билан бирга фронтга чақирув қоғозини ҳам беришган эди, — дея эслади республика уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг тиббиёт комиссияси раиси Ҳалил Жалилов. — Ўшанда 650 йигит-қиз фронтга жўнаган эдик. Ҳозирда улардан 50—60 тача қолган. Сафдошларимиз орасида бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги, бир қанча мухбир аъзолари бор. Қуролдошларимиздан ҳанузгача эл-юрт хизматида юрганлар ҳам бор. Улар қаторида Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, таниқли рентгенолог Жалол Маҳсумов, профессор Сергей Амбарцумов, Рауф Холматов, Татьяна Позднякова, ушбу поликлиника бош шифокори Пўлат Сирожовларни айтиш мумкин.

Учрашувда собиқ битирувчиларнинг ўқитувчиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Ёлқин Тўрақулов ҳам ҳозир бўлди. Сўнгра сабоқдошлар учрашувга келолмаганларнинг хонадонларига бориб ҳол-аҳвол сўрашди, вафот этиб кетганларнинг қабрларини зиёрат қилишди.

Мурод РАҲИМОВ.

*Қиш тайёргарликни ёқтиради*

# КЎМИР ЕТАРЛИ БЎЛАДИ

***Қиш яқинлашган сари одамларнинг ташвиши ортади. Биров картошка-пиёз жамғариш, кимдир уйи ва томларини таъмирлаш, баъзилар эса ўтин-кўмир ғамлаш ҳаракатида бўлади. Албатта булар зарур ва керакли юмушлар. Лекин уларнинг ичида энг муҳими қишли-қировли кунларга етарли миқдорда ёқилғи маҳсулотларини жамғариш масаласи ҳисобланади. Шуни назарда тутиб биз Тошкент шаҳар ўрмон хўжалиги, қурилиш моллари ва кўмир билан савдо қилиш корхонасига қарашли кўмир омборхоналарида бўлиб, уларнинг мутасаддилари ва мижозлар билан суҳбатда бўлдик.***

Аввало шуни айтиш керакки, ҳамшаҳарларимизни қиш мавсумига етарли даражада кўмир билан таъминлаш режаси олдиндан тузиб қўйилган. Бу йил шартнома бўйича омборхоналарга 124 минг тонна Ангрен кўмири келиб тушиши керак. Ҳозиргача бу кўрсаткичнинг деярли ярми миқдоридаги ёқилғи олинди. Омборхоналарга ҳар куни узлуксиз 2-3 вагонлаб кўмир келиб турибди. Шаҳримиздаги учта омборхона аҳолини баҳоли қудрат ёқилғи маҳсулоти билан таъминлаб турибди. Эътиборлиси шундаки, мижозларга ҳеч қандай навбатсиз хизмат кўрсатиляпти.

2-кўмир омборхонасига Нодир Ёқуббоев мудирлик қилади. Корхона бир йилда 35 минг тонна Ангрен кўмирини қабул қилиб олиб уни аҳолига тарқатади. Ҳисоб-китобларга кўра шу кунгача 16 минг тонна кўмир сотилган.

— Қишга пухта тайёргарлик кўрганмиз, — дейди М. Ёқуббоев. — Шунинг учун таъминотимизда узилиш бўлмаяпти. Мижозларнинг вақтини тежаш ва уларга тез хизмат кўрсатиш мақсадида барча техникаларимизни шайлаб қўйганмиз. Бундан ташқари 127-автобаза билан ҳар куни ёқилғини хонадонларга етказиб бериш учун етарли миқдорда машиналар ажратиш ҳақида шартномамиз бор.

Омборхонага кўмир харид қилиш учун келган мижозлар унчалик кўп эмас. Уларнинг баъзилари билан суҳбатлашдик.

— Мен ҳар йили шу омбохонадан кўмир оламан, — дейди уруш қатнашчиси Саидаҳмад Алимов. — Олдинлари одамлар кўмир олиш учун ойлаб навбатда туришарди. Ҳозир ундай эмас. Келган кунингиз истаган миқдордаги ёқилғини олиб кетаверасиз. Машина таъминоти ҳам яхши. Умуман омборхона хизматидан хурсандмиз.

Бундай илиқ гапларни бошқа кишилардан ҳам эшитдик.

Шу куни бу ерга 4 вагон кўмир келган экан. Ортиш-тушириш майдончасидаги аҳвол билан яқиндан танишиш учун у ерга бордик. Машиналар қаторлашиб турибди. Бригадир Одил Тошпўлатовнинг ишораси билан улар навбатма-навбат майдончага кириб келишади. Уларга бульдозерлар ёрдамида керакли миқдордаги юк ортилгач дарҳол ўринларини бошқа машиналарга бўшатишади. Олдингидек бақириқ-чақириқ йўқ, қатъий тартиб-интизом жорий этилган.

Рисовийдаги 1-кўмир омборхонаси Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Мирobод, Бектемир туманларига хизмат кўрсатади. Ҳозиргача корхона йиллик режада белгиланган 40 минг тонна кўмирнинг 18 минг тоннасини қабул қилиб олган. Катта сотувчи Сайфиддин Носировнинг айтишича, омборхона бир кунда 30-40 мижознинг ҳожатини чиқараётган экан.

— Харидорларга қулайлик бўлсин учун бу йилдан бошлаб яна бир янгиликни жорий этдик, — дейди Сайфиддин ака. — У ҳам бўлса телефон орқали мижозлардан буюртма қабул қилишдир. Ўзларингизга маълумки, баъзи бир оилалар, масалан кўп болали оналар, уруш ногиронлари, ёлғиз қарияларнинг ҳаммаси ҳам кўмир харид қилиш учун омборхонамизга келиб-кетиш имкониятига эга эмаслар. Шундайлар бизга телефон орқали зарур миқдордаги кўмирни ва уй манзилларини айтсалар бас. Ўша куннинг ўзидаёқ уларнинг хонадонларига буюртмаларини етказиб берамиз. Бу усул икки томонлама қулай. Биз ҳам мижоз кутиб бўш ўтирмай бир маромда ишлайверамиз.

— Олдинлари мижозлар кўпинча кўмирнинг майдалигидан нолишарди. Ҳозир бунақа эътирозлар йўқми?

— Шунақаси ҳам бўлиб туради. Лекин бу бизга боғлиқ эмас. Баъзида вагонларга ортилган кўмир майда чиқиб қолади. Шундай кезларда бош корхонамизга мурожаат қилиб у ердан мутахассис чақирамиз. У лозим топмаса вагондаги маҳсулотни қабул қилмай қайтариб юборамиз. Белгиланган норма бўйича харидорга сотилаётган ҳар бир тонна маҳсулот орасидаги майда ва кукун кўмирлар 200 килограммдан ортмаслиги керак. Шунга қатъий амал қилган ҳолда мижозларни ранжитмасликка ҳаракат қиляпмиз.

3-кўмир омборхонасида бўлганимизда харидорлар бу ерга келиб-кетиш учун жамоат транспортининг йўқлигидан нолишди. Чиндан ҳам омборхона Сергелининг энг чекка қисмига жойлашган. Бу ерга бориш учун камида 3 километрлик масофани пиёда босиб ўтишга тўғри келади. Шахсий машинаси борларгаку бу арзимас йўл. Лекин бундай имкониятга эга бўлмаган кишилар, қария ва ногиронларнинг шунча йўл босиб ўтишини бир тасаввур қилиб кўринг.

Албатта бу ҳол ҳал қилиниши лозим бўлган муаммо. Шу ҳақда мутасаддилар бир ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Режа бўйича бир йилда омборхонага 30 минг тонна кўмир келиб тушиши керак. Ҳозиргача бу миқдорнинг 9 минг тоннасигина етиб келган. Ушбу кўрсаткичнинг ўзи ҳам мижозлар бирмунча камайиб кетганлигини исботлаб турибди. 3 вагон кўмир эса харидорини кутиб ётибди.

Умуман харидорлар омборхона хизматидан мамнун эканликларини билдиришди. Чунки бу ерда кўмир ҳамиша бўлади. Ҳеч ким навбат кутмайди, учта ортиш-тушириш техникаси ҳамма вақт хизматга шай туради. Харидор бир соатлик муддат ичида ҳужжатларини расмийлаштириб, кўмир олиб чиқиб кета олади.

— Бундан бир неча йил илгари куз мавсумида омборхоналаримизга одамлар сиғмай кетарди. Ҳатто кўмир олиш учун ойлаб навбат кутишга тўғри келган вақтлар бўлган. Ҳозир бу муаммо тўла ҳал этилган. Омборхоналаримизга етарли маҳсулот келиб туришини қаттиқ назоратга олганмиз. Харидор талаби ҳам у омборхонага келган куннинг ўзидаёқ қондирилмоқда. Бундан мижозларимиз хурсанд бўлишмоқда, — дейди бизга Тошкент шаҳар ўрмон хўжалиги, қурилиш моллари ва кўмир билан савдо қилиш корхонаси директори Баҳром Мирзакаримов.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.



*Пойтахтдаги «Лола» корхонасида Дмитрий Филипенко ҳамда Радик Низамиевлар ишлашади. Улар кейинги пайтларда насосларни таъмирлашда муайян муваффақиятларга эришдилар.*

*СУРАТДА: Дмитрий Филипенко ва Радик Низамиевлар навбатдаги носоз насосни кўздан кечиришмоқда.*

*Рустам Шарипов олган сурат.*

*Билим масканларида*

# ЗУККО ОЛИМ ХОТИРАСИ

Собир Раҳимов туманидаги Обид Содиқов номли 249-мактаб ташкил топганининг 20 йиллиги нишонланди. Унга шу даргоҳда кўп йиллар ишлаб пенсияга чиқиб кетган ўқитувчилар, мактабнинг дастлабки битирувчилари йиғилишди.

Тантанали маросим мактабга номи берилган ўзбек кимёси фанининг йирик намояндаларидан бири, академик Обид Содиқов хотирасида ўрнатилган бюстнинг очилиши билан бошланди. Унда мактабнинг биринчи раҳбари Баста Орифжонова сўз олиб мактаб бунёд этилган йиллар ҳақида гапирди.

Мактаб жойлашган Беруний маҳалласи оқсоқоли Саидnаби Саидкаримов, Обид Содиқовнинг шогирди профессор Муҳсин Валихонов шу маҳаллада яшаб ижод этган зукко олимнинг ҳаёт йўли, инсонийлик фазилатлари ҳақида гапиришди. Сўнгра шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг ходими Мукамбар Азимова мактабнинг намунали ўқитувчиларига «Халқ таълими фидойиси» нишонлари ва бошқарманинг фахрий ёрлиқларини топширди. Тантана давомида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошидаги илмий-ишлаб чиқариш концерни раҳбари Аҳмад Азимов, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватловчи Улуғбек республика жамғармасининг директори Исфандиёр Латипов, Мирзо Ғолиб жоме масжиди вакиллари мактабга ўз совғаларини топширишди.

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

*Келажагимиз — мактабда*

# ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими ўз иш фаолиятини яхшилаш мақсадида янгича илмий услубий ва педагогик асосга кўчириш йўлларини ишлаб чиқди. Бу дастурий йўналиш асосида таълим мазмунини бойитиш, мақсадли таълимни босқичма-босқич узлуксиз амалга ошириш масаласи ётади. Жумладан, Президентимиз Ислом Каримовнинг Республика халқ таълимини такомиллаштириш йўлларидан бири сифатида таклиф этган мактаб — институт — илмий тадқиқот институти тарзидаги тизими туманимиздаги 191, 242, 243-гимназия типидаги ва оддий мактабларда, 309, 45-лицейларда кенг қўлланилмоқда.

Туман мактабларида шарқ тилларини ўрганишга ихтисослашиш тарихий анъана ҳисобида узоқ йиллардан бери сақланиб қолмоқда. Тумандаги 1, 22, 24, 310, 119, 29-мактабларда араб, форс, ҳинд тиллари бошлангич синфлардан бошлаб ўқитилади. Кейинги йилларда тумандаги кўпгина болалар боғчаларида ҳам шу йўналишга ихтисослашув кузатилмоқда. Шарқ тилларини ва у билан бир вақтда инглиз тилини қўшиб ўрганиш болаларга боғча ёшидан сингдирилмоқда ва шу билан бирга уларга келгуси ихтисосликларини аниқлаш масаласида дастлабки асос яратилмоқда.

Туман мактабларидаги мақсадли узлуксиз таълим тизимининг биз қуйидаги кўринишини амалда синаб кўрмоқдамиз. Боғча — мактаб — лицей — институт — илмий тадқиқот институти. Бу илмий педагогик тизимнинг амалда жорий этилишига бир назар ташлайлик. Тумандаги шарқ тиллари ва инглиз тилини чуқур ўрганишга ихтисослашган боғча ва мактабларда билим олаётган ўқувчилар барча ўқув йиллари давомида туман халқ бўлими томонидан изчиллик билан кузатиб борилади. Тил ўрганишда, айниқса олинган билимларни амалиётда тадбиқ эта билишда алоҳида ўрнак кўрсатган иқтидорли ёшлар танланиб, тумандаги 309-шарқ тиллари лицейида ўқишни давом эттирадилар. Ушбу лицейда бериладиган таълимнинг мазмуни, кўлами ва мақсадлари бўйича умумтаълим мактаблари даражасидан анча юқори эканлигини ўзининг уч йиллик педагогик фаолиятида исботлади. Бу лицейда ўқувчилар таълим олиш билан бир вақтда Тошкент Давлат шарқшунослик институти, Тошкент Молия институти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Қўлёзмалар институти ва бошқа олий билим даргоҳлари билан, илмий-педагогик ҳамкорлик шартномасига кўра олий ўқув юрти таълимининг шарт-шароитлари билан, илмий тадқиқот хоналар, институтларнинг бой кутубхонаси ва фонд материаллари билан бевосита фойдаланиш имкониятига эга бўладилар, институт олимларининг раҳбарлигида дастлабки илмий-тадқиқот йўналишларини белгилайдилар.

1995—1996 ўқув йилидан бошлаб туман мактабларида миллий ватанпарварлик ва байналмилал таълим-тарбиянинг янги йўналишлари сифатида икки муҳим тадбирни амалга оширишга киришилди. Биринчидан Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримовнинг Республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлашнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий масалаларига бағишланган асарларини туман мактабларининг махсус фанлари ўқув дастурлари мазмунига сингдирилиб ўқитиш, шунингдек, «Туркистон — умумий уйимиз» мавзусида дарс ва амалий машғулотлар, синф ва мактабдан ташқари илмий тарбиявий тадбирлар ўтказиш режаси ишлаб чиқилди.

Худди шу мақсадда туман мактабларида таълим технологиясига янги педагогик услубларни жорий этиш ва таълим-тарбия жараёнини бошқаришни такомиллаштиришнинг янги йўлларини амалиётда синаб кўриш ишлари бошлаб юборилди.

Ўрта таълим тизимини такомиллаштириш, айниқса таълим технологиясида сезиларли ўзгаришлар киритиш лозимлиги бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлиги ҳаммага аён. Шу мақсадда биз туман мактабларида таълим самарадорлигини ошириш, мактабда ўқитиладиган барча фанлар бўйича ўқув дастури талабларини ўқувчилар томонидан тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш учун туман миқёсида илмий-услубий асосда бошқаришнинг истиқболли дастурини ишлаб чиқдик. Ушбу дастурнинг асосий моҳияти туман мактабларида фан ойликларини аниқ режалаштириш ва унда барча мактабларнинг фан ўқитувчилари ва туман халқ таълими бўлимининг услубчиларини кенг ва фаол иштирок этишини таъминлашдан иборат. Ойлик давомида амалга ошириладиган ўқув педагогик, синфдан ва дарсдан ташқари тадбирлар, ўқувчилар ва ўқитувчиларнинг умумпедагогик изланишларининг кўрикларини ўтказишнинг аниқ режаси ишлаб чиқилди.

Таълим-тарбия жараёни бошқаришни такомиллаштиришнинг янги йўлларидан яна бири — ўқувчилар билим даражасини кўп баллик тизим (рейтинг) асосида баҳолашга ўтишдир. Таълимда самарадорликка эришишнинг истиқболли услубларидан бири ҳисобланган рейтинг тизими ўрта ва олий мактаб таълим тизимини ўзаро яқинлаштириш, уларни уйғунлаштириш билим олиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлаш йўлларидан биридир. Ўтган 1994—1995 ўқув йилида мактабларнинг бир нечтасида, жумладан, 309-шарқ тиллари лицейида муваффақиятли синовдан ўтган ушбу услубий янгиликни янги ўқув йилида туманнинг барча мактабларида синаб кўришга киришилди.

Рейтинг тизимининг асосий моҳияти — фан бўйича давлат ўқув дастурининг барча мавзу ва бўлимларини ўқитувчи томонидан педагогика фанининг энг юксак талаблари даражасида ранг-баранг дидактик қўлланмалар ва услубларни қўллаган ҳолда ўтишни, ўз навбатида бу билимларни ўқувчилар томонидан тўлиқ ва мукаммал эгалланишига эришишни назорат қилишдан иборатдир. Шу тариқа билимларни синашнинг рейтинг усули ўқувчилардан ўз билимини ошириш бўйича мунтазам ишлашни талаб қилади.

Республикамизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талабаларнинг билим даражасини аниқлашда рейтинг тизимини қўллаш кейинги икки-уч йил ичида жуда катта ижобий натижаларни берди. Аввало, ушбу усулга таяниб талаба ўз имкониятларини олдиндан режалаштира олгани, рейинг кўрсаткичи бўйича ёшлар ўртасида интеллектуал мусобақа ошганлиги сабабли билимларни баҳолашнинг бу илғор шакли республикамиз олий таълим тизимидан мустаҳкам ўрин олди. Фикримизча, бу ижобий ва фойдали тажрибадан ўрта таълим тизимида ҳам фойдаланиш вақти келди. Ўрта мактаб тизимида бу усулни кенг қўллаш натижасида ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг усулининг янгидан-янги қирралари очилади ва халқ таълими сифат жиҳатдан катта ютуқларга эришади.

Давримиз тараққиётининг бош талаби — ҳар бир шахсдан омилкор, тадбиркор, ишбилармон бўлишни ва уни ўз ўрнида тадбиқ эта билишни талаб қилинишини инобатга олсак, туман мактабларида амалга оширилиши бошланган айрим услубий янгиликлар педагогик ходимларимизни давр талабига ҳамнафас фаолиятларининг айрим қирралари эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Абдулла РАҲМАТУЛЛАЕВ,
Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлими мудири.

# ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

Тошкент автомобиль транспорти ва йўллар институтида илк бор талабалар анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бўлим мудири Ш. Шоваҳобов, «Узавтотранс» давлат ҳиссадорлик корпорацияси бошқаруви раиси ўринбосари Л. Исаев, «ЎзбекМАЗсервис» қўшма корхонаси бош директори Т. Ҳусанов, Улуғбек номидаги республика талабалар жамғармаси бош директори И. Латипов, Ўзбекистоннинг автотранспорт бўйича икки марта чемпиони А. Силенколар сўзга чиқиб ўзларининг талабалик йиллари тўғрисида гапирдилар, таълим-тарбия борасидаги фикр-мулоҳаза, маслаҳатлари билан ўртоқлашдилар.

Ўз навбатида аспирант Р. Бўриев, докторант М. Орифжонов ва бир неча талабалар ҳам иқтидорни намоён этишга интилиш даркорлиги, амалиётни хорижий мамлакатларда ўтказиш ҳақида гапирдилар.

Анжуман иштирокчилари Республика талабаларига қарата мурожаатнома қабул қилдилар.

Анжуман сўнгида институт ректори, профессор Сарвар Қодиров талабалар билан очиқ мулоқот ўтказиб, уларни давримизга муносиб, баркамол инсон бўлиб етишишга чақирди.

Дилмурод ИСМОИЛОВ.

